ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 151 (6012).

4 АВГУСТ ПАЙШАНБА 1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Совет ҳокимияти йилларида областимиздаги бошқа районлар сингари ОҚҚЎРҒОН райони ҳам гуллаб-яшнади. Саноати ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари ривожланди. Район меҳнаткашлари пахтачиликни комплекс машиналаштиришда жуда катта ишларни амалга оширишди. Ерни шудғорлаш, экин экиш, парвариш қилиш ва етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда машиналардан кўпроқ фойдаланмоқдалар. Оққўрғонликлар партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига лаббай деб жавоб бериб, деҳқончилик маданиятини кўтаришга муносиб ҳиссаларини қўшяптилар.

Газетамизнинг бугунги сонида Оққўрғонлик меҳнаткашларнинг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириб, юбилей йилида қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Ўтган йили ҳар бир сигирдан 6139 килограммдан сут соғиб олиб, социалистик мажбуриятимни ортиғи билан бажарган эдим. Ўнинчи беш йилликни бундай қувончли ғалаба билан бошлаганлиги менга катта далда бўлди.

Ютуқларни янада мустаҳкамлаб, юбилей йилида янги зафарларни қўлга киритиш мақсадида 30 бош сигирнинг ҳар биридан 6200 килограммдан сут соғиб олишга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги тўйигача эса 186 тонна сут топширишга сўз берганман.

Ваъдамнинг устидан чиқиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солаётганлигим туфайли ярим йилликни муваффақиятли якунладим. Олти ой давомида ҳар бир сигирдан ўртача 3234 килограммдан сут соғиб олдим. Демак, ярим йиллик режам тўла-тўкис амалга ошди.

Бироқ шу ўринда айтиш керакки, ўтган ярим йилликда озуқа рациони ранг-баранг ва тўйимли бўлмаган эди. Моллар асосан хашак, кўк беда билан боқилди. Энди эса рационни яхшилаш учун кўпгина озуқа етиштирилди. Хашаки лаллаги, қизилча, ошқовоқ ва бошқа маҳсулотлар озуқа рационига қўшилди. Бу эса ўтган ойларга нисбатан сут булоғини кўпайтиряпти. Ҳозир кунига 4500 килограммга етказиб сут топширяпман. Ўртача ҳар бир сигирдан олинаётган сут 15 килограммдан кам бўлмаяпти.

Колхозимизда соғувчилар кўпчиликни ташкил этади. Улар қарамоғидаги моллар ҳам соғлом ва сersут. Емхашаги етарли. Шундай экан, ҳарбиримиз, сидқидилдан меҳнат қилишимиз, мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш лозим. Социалистик мажбуриятларни бажариш — биз чорвадорларнинг шарафли бурчимиздир.

М. ИСҲОҚОВА,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

РАЙКОМ ВА МУСОБАҚА

Э. ҲАТАМОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

БЕПОЁН пахтазор ва ғаллазорларда, боғ-роғларда ва фермаларда ўзгача меҳнат кўтаринкилиги, ўзгача руҳ ва ғайрат ҳукмрон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа байроғи барча меҳнат коллективларида тобора баланд кўтарилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми (1977 йил), ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи, СССР янги Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси Оққўрғон меҳнаткашларини ҳам янги муваффақиятларга руҳлантириб юборди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан беш йилликнинг иккинчи йилида 70 минг тонна пахта, 15580 тонна дон, шу жумладан, 2750 тонна шоли, 1050 тонна гўшт, 8500 тонна сут, 1 миллион дона тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олганмиз.

Бундан олдинги йилларнинг натижалари, тўпланган тажрибалар бу каби юксак маррани эгаллашга даъват этмоқда. Масалан, 1971 йилда районимизда атиги 47179 тонна пахта етиштирилган бўлса, ўтган йили салкам 19 минг гектар ердан 64 минг тонната яқин ҳосил олинди. Тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ундан олдинги беш йилликдагига қараганда 12,4 процент кўпайди. Пахта тайёрлаш ва давлатга топшириш плани тўрт йилда бажарилди. «Ленинобод», Хамид Олимжон, Калинин, Ботинцев, Навоий номли колхозлар ҳамда «Оққўрғон» совхози пахтакорлари юксилдорликда қарвонбоши бўлиб олдилар. Кўпгина бригадаларда гектаридан 40—45 центнердан «оқ олтин» олинмоқда. Бундай муваффақиятларга партия ташкилотларининг социалистик мусобақага тўғри раҳбарлиқ қилаётганликлари, дала механизаторлари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар юксак савияда олиб борилаётганлиги туфайли эришилмоқда. Районимиз механизаторлари юбилей йилида юқори кўрсаткичларни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

Ўзаро мусобақа тобора кучаймоқда. Мусобақада барча звено, бригада бўлим, хўжалик, ишчи, колхозчи, қурувчи, шофер ва бошқа касб эгаси қатнашмоқда. Шу туфайли ойлик планлар оширибгина эмас, балки ҳар бир декада, ҳар бир кун ва ҳар бир соатда ўзлаштирилмоқда. Пахтакорларимиз об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, ғўза парваришини кучайтирмоқдалар. Бунда партия ташкилотларининг етакчилик роли каттадир.

Район партия ташкилотига эса 2200 дан зиёд коммунист уюшган. 13 та хўжаликда партия комитети, 114 та пахтачилик бригадаси, ферма ва трактор парклари ҳамда бошқа соҳаларда цех партия ташкилотлари ишлаб турибди. Улар белгиланган тадбирларнинг бажарилиши учун актив курашмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида «Оққўрғон» совхози меҳнаткашлари 11755 тонна пахта, 2 минг тоннадан ортиқ дон, 1300 тонна сут, 245 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқдилар, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олдилар. Худди шундай ютуқларни қўлга киритганлиги учун «Ҳурмат белгиси» орденли Ботинцев номли колхозга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, «Ўзсовпроф» ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Ҳар иккала хўжаликда район даражасидан юқори ҳосил етиштирилди.

Кадрларни танлаш ва тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. «Оққўрғон» совхози партия комитетининг секретари Ш. Абдураҳмонов К. Маркс номли, «Озод» колхози партия ташкилотининг секретари М. Жуманов «Ленинизм» колхози раислигига тавсия қилиндилар.

Ташаббускор бригадалар сафи кенгаймоқда. Бу йил бригада бошлиқларидан 60 киши Улуғ Октябрьнинг 60 йиллиги шарафига ҳар гектар ердан 40—50 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдилар. «Ленинобод», колхозидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати П. Тошхўжаев, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Т. Ғазатов, Ҳамид Олимжон номли колхозидан Ж. Пиримқулов, Навоий номли колхоздан Ш. Абдураимов, «Оққўрғон» совхозидан К. Зулфиқоров, М. Ковешников, С. Сегизбоев номли совхоздан С. Нишонов ва бошқалар ана шундай ташаббускор бригада бошлиқларидан.

Мусобақа янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Юқори ҳосилли хўжаликлар билан кам ҳосил олган хўжаликлар беллашмоқдалар. Карл Маркс номли, «Озод», «Партия XXII съезди» колхозлари ва Султон Сегизбоев номли совхоз деҳқонлари мусобақани чинакам авж олдириб, ҳосилдорликни кескин кўтарадилар. Партия ташкилотлари эса бундан буён ҳам мусобақанинг таъсирчанлигини кучайтириш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор берадилар.

Юбилей йилида оққўрғонликлар 19 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан, жами 70 минг тонна «оқ олтин» етиштирадилар. Бу ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема»ларда териб олинади.



1937 йилда бўлиб ўтган стахановчи — колхозчилар нинг республика кенгаши президиумига Компартияси Марказий Комитетининг секретари Усмон Юсупов, Ўзбекистон ССР Комиссарлар раиси Султон Сегизбоев (ўртада) билан бирга оққўрғонлик колхозчи Аваз Ҳасанов, Умарқул Ўзбекистон Советининг Юнусов ва бошқалар сайланган эди. Суратда: кенгашнинг президиуми.

МЕХАНИЗАТОРЛАР АҲДИ

Деҳқонларимиз ҳар кун, ҳар соатни ғанимат билиб ҳосилга ҳосил қўшишни давом эттирмоқдалар. Биз июль ойида ҳар туп ғўзада кам деганда 10—12 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилиш тадбирларини кўраётирмиз. Суғориш, шарбат усулида озиқлантириш, культивация ишлари ана шу мақсадга бўйсундирилган.

Ҳозирги кунда ғўзани суғориш, айниқса, масъулиятли иш. Сувчиларимиз бунга катта эътибор бермоқдалар. Айниқса тунги суғориш устидан қатъий назорат ўрнатганмиз.

Июль ойининг бошларида колхоз агротехника совети аъзоларидан иборат махсус комиссия картама-карта юриб, ғўзаларнинг ҳолатини кўздан кечириб чиққан эди. Ўшанда айрим карталарда ўсишдан орқада қолган ғўза борлиги аниқланди. Биз бундай майдонларга қўшимча ишлов бермоқдамиз. Ҳар гектарга 30 тоннадан гўнг шарбат усулида берилмоқда, ғўза туплари ўсиб, кундан-кун ҳосилга-ҳосил қўшмоқда. Бундай шароитда культивация ўтказиш механизаторлардан алоҳида масъулиятни талаб этади. Аксарият механизаторларимиз бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Улар агрегатларни ғўза қатор ораларига олиб киришдан олдин ишчи органларини яхшилаб созлайдилар, культиваторларга тўсиқлар ўрнатилади. Шунинг учун ҳам культивация пайтида бирон туп ғўзанинг шикастланишига, ҳосил элементларининг тўкилишига йўл қўйилмаётир.

Умумли меҳнат — бу яхши кайфият демакдир. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далада ишлаётганларга яхши маданий-маиший шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпти. Дала шийпонлари — оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айланган. Иссиқ овқат канда бўлмайди. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясалмоқда. Илғорларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбарлантириб турибмиз.

Яқинда матбуотда Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози пахтакорларининг тадбирлари эълон қилинди. Бу тадбирларда йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва бу ишни қисқа фурсатларда ёрдамчиларни жалб этмасдан ўтказиш кўрсатилган. Биз ҳам ана шу тадбирлар асосида ўзимизнинг тадбиримизни белгилаб чиқдик. Шу кунларда ғўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўряпмиз.

Энг биринчи навбатда техниканы бекаму-кўст шайлаб қўйиш учун ҳаракат қиляпмиз. Агар 1972 йилда ялпи ҳосилнинг 41 процентини, 1975 йилда эса 62 процентини «зангори кема»ларда йиғиштириб олган бўлсак ўтган йили бу рақам 71 процентга етди.

Режаларимизни пухталаб, имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик. Бизда ҳам ҳосилнинг кам деганда 85—90 процентини машиналарда териб олиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Ана шу мақсадда тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Хўжалигимизда тажрибали ва моҳир механик ҳайдовчилар кўп. Улар ёрдамида ишни икки сменада ташкил этамиз. Ҳар бир механик ҳайдовчи мавсумда кам деганда 200 тоннадан «оқ олтин» теришга сўз берди. Холбой Усмонқулов, Абдулла Эргашев каби механик ҳайдовчилар шулар жумласидандир. Терим даврида ҳар бир трактorga 4 тадан теримчи бириктириб қўйилади. Кўчма устахона ишлаб туради. Участкаларга механиклар бириктирилади. Улар терим машиналарининг қандай ишлаётганлигини назорат қилиб борадилар.

Мўл ҳосил учун кураш ҳал қилувчи даврга кирди. Бу даврда ҳар бир пахтакор, ҳар бир қишлоқ аҳли ўзининг куч-ғайратини мўл ҳосил тўплашга сафарбар этмоғи лозим. Шу билан бирга йиғим-теримга ҳамма парсани бекаму-кўст шай қилиб қўйиш — муваффақият омили эканлигини унутмаслик керак. Биз ана шунга ҳаракат қилмоқдамиз.

М. ТЎРАХЎЖАЕВ,
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

ВАЪДАМИЗ ҚАТЪИЙ

Эл қатори бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам яхши ният билан 100 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб 54 гектар ерда маккажўхори етиштирмоқдалар. Уз вақтида агротехника қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда яхши ҳайдалиб ўгитланган ерга барака уруғи экилди. Бир текис униб чиққан нихоллар барвақт ягана қилинди. Ягана вақтида ҳосил кўчатдан чиқишини ҳисобга олиб, ҳар гектар ерда 55 минг туп кўчат қолдирилди.

Албатта ҳар қандай экин яхши ва сифатли парваришни талаб қилади. Бусиз мўл ҳосил олиб бўлмайди. Шунинг учун экинни ўз вақтида культивация қилишга, озиқлантириб суғоришга алоҳида эътибор берилди.

Неъмат Раҳматуллаев бригадамизнинг моҳир механизатори. У ҳозиргача экин қатор ораларини тўрт марта сифатли культивация қилди. Шунингдек барча майдондаги экин ўз вақтида икки марта озиқлантирилди.

Думбил бўлиб қолган маккажўхори донлари ҳадемай пишиб етилади. Шунинг учун биз экинни парвариш қилиш билан бирга йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўряпмиз.

Бу йил биз маккажўхори ҳосилини сўтаси билан эмас, дон ҳолида топширмоқчимиз. Зарур техника воситалари тайёрланяпти. Йиғим-теримни 10 августдан бошлаб юборишни мўлжаллаб турибмиз.

Бригадамизда мен билан жами олти киши ишлаяпти. Агар биз зиммамизга олган социалистик мажбуриятни бажарсак, ҳар бир ишловчи киши ҳисобига 90 тоннадан қаҳрабо дон етиштирган бўламиз. Бу бизнинг Октябрь революциясининг 60 йиллигига совғамиз, янги Конституцияни меҳнат зафари билан қутловимиз бўлади.

Қўчқор ХАЙДАРОВ,
Оққўрғон районидаги К. Маркс номли колхознинг маккажўхоричилик бригадасининг бошлиғи.



Район маркази тобора обод бўлиб янги-янги муҳташам бинолар қад кўтармоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Э. ГЕРЕК БИЛАН ДЎСТОНА УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 2 август куни Қримда ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек билан учрашди. Э. Герек КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан ўз отпускасини Совет Иттифоқида ўтказмоқда.

Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқлар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар кенгайганлиги ва самарадорлиги ошганлигидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Совет — Польша ҳамкорлиги имкониятларидан қардош халқлар манфаатлари йўлида мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш учун партия ва давлат органларининг астойдил иш олиб бориши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бунда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли тармоқ программаларини ишлаб чиқиш давомида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг узоқ истиқболга мўлжаллаган энг муҳим йўналишларини белгилаб олиш алоҳида эътиборга сазовордир.

КПСС XXV съезди ва ПБИП VII съезди ўртага қўйган вазифалар қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида ахборот айирбошланди. Э. Герек Улуғ Октябрь социалистик революцияси интернационал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бундай деди: Октябрь 60 йиллигининг байрам қилиниши — Совет Иттифоқи эришган ютуқларнинггина эмас, шу билан бирга халқ Польшаси эришган ютуқларнинг ҳам кўриги, бутун социалистик ҳамдўстликнинг ҳаётидаги катта воқеа бўлади.

Халқаро вазиятни кўриб чиққан чоғда қуролсизланиш, уруш хавфини ва аввало ядро уруши хавфини камайтириш проблемаларига асосий эътибор берилди. Шу муносабат билан Л. И. Брежнев ва Э. Герек ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймаслик борасида давлатларнинг бундан буён ҳам бамаслаҳат чора-тадбирлар кўриши алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар.

Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртоқлар шуни уқтириб ўтдиларки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг бундан икки йил муқаддам имзоланган Якунловчи акти конфронтация ва уруш лаҳзаларидан ҳали бўлган қитъада ҳамкорлик вазиятини вужудга келтириш мақсадида кенгашда қатнашган барча давлатларнинг истиқболни кўзловчи фундаментал ҳаракат платформасидир. Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси бундан буён ҳам ана шу йўлдан оғишмай олға бораверишга ва жумладан Белград учрашувининг амалий, конструктив руҳда ўтказилишига ёрдам беришга азми қарор қилганлар.

Иккала қардош партиянинг раҳбарлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг баъзи проблемаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Л. И. Брежнев билан Э. Герекнинг суҳбати самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Суҳбат муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан фикрларнинг тўла бирлигини кўрсатди.



Колхоз тузумини мустаҳкамлашда фидокорона курашган меҳнат ветеранлари, оталар изидан бориб кўпчиликка намуна бўлаётган кишилар анча. Ушбу суратда меҳнат ветеранларидан бир группасини кўриб турибсиз.
Ҳ. Аввалов фотолари.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ТОШТЎҒОН ҚАҲРАМОНИ

ПАСТ бўйли, озғин, мўйловдор, каламинкадан тикилган узун яктак кийган 78 ёшли отахон икки томонида мирзатераклар қад кўтарган катта кўчадан юриб бораяпти. У гоҳ колхозчиларнинг янги қурилган уйларига разм солади, гоҳ болалар қий-чув ўйнаб юрган мактаб ховлисига назар ташлайди.

Отахон қадамини тезлатганда марказдаги хашаматли клуб томон йўл олди. Клуб олдидаги ҳиёбонда Ленининг катта ҳайкали қад кўтариб турипти. Қишлоғимиз ҳуснигаҳусн қўшмоқда. Бу гўзал қишлоқни бунёд этишда оз бўлса ҳам ўзининг ҳиссаси борлигидан у олам-олам фахрланарди. Мана, колхоз музейи. У ерда ўзи билан бирга ишлаган, колхозни оёққа турғазишда жон куйдирган Ином Нурматов, Аҳмеджон Бобоев, Валижон Муллажонов, Умар Ҳайдаров сингари ветеранларнинг суратлари бор. Иккинчи томонда колхознинг ҳозирги активлари: ўн тўрт йилдан бери шу колхозга раислик қилаётган Карим Эгамбердиев юкори ҳосил устаналаридан 50 центнерчи Талосбой Ғозатов, Пўлат Тошхўжаев, Мамат Нажимов сингари илғор кишиларнинг расмлари қўйилган.

Колхоз бекиёс кенгайиб кетган. Пахта майдони 1580 гектар. Бултур 5378 тонналик хирмон кўтарилган. Октябрь революциясининг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган колхоз азаматлари бу йил ҳосилдорликни 37,2 центнерга етказишга бел боғлаганлар. Шу топда колхознинг ўтмиши бенихтиёр унинг кўз олдидан бирма-бир ўта бошлади. Оловли, алғов-далғов йиллар воқеаларини эслайди.

Кутилмаган бир пайтда Тоштўғонда ғала-ғовур бошланиб қолди. Одамлар миш-миш гапларнинг қайси бирига ишонишни билишмасди. Қизиқ! Орадан бир йил ўтмади-ю янги тузилган колхознинг иккинчи раиси ҳам ўзгартирлармиш!

Узоқ-яқиндан келган одамлар Тоштўғонда кўпчиликни ташкил қилганлиги учунми, улар ҳали бир-бирларининг ўтмишларини, кимнинг қандайлигини яхши билишмасди. Ер ислоҳати даврида озгина ер олиб, эндигина мустақил тирикчилик бошлаган, яқинда колхозга кирган соддадил собиқ чорвадорлар, қароллар, молбоқарлар бу гапларнинг поёнига етишмасди.

Воқеа мана бундай бўлганди.

1929 йили Тоштўғон қишлоғида янги колхоз тузилди. Деҳқонлар гапга чечанлигига, басавлатлигига қараб «шундан бир иш чиқар» деган ҳаёлда Раҳмонқул Чўлпонбоевни раис қилиб сайлашди. Лекин Раҳмонқул ҳам, бошқалар ҳам раиснинг вазифаси нимадан иборат, ишни қандай ташкил этиш лозим эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасди. лар. Одамларнинг бошини бир ерга қовуштириб ишлатиш, ҳақ тўлаш, меҳнатни ҳисобга олиш сингари ишларни колхоз раҳбарлари яхши билишмасди. Бундан ташқари Пискент волостида тез-тез бўлиб турадиган мажлисларга бориб келишни айтмайсизми! Шунинг учун биринчи раис озроқ ишлагач «бизга бу иш тўғри келмас экан» деб ўз хохиши билан бўшади.

Шундан сўнг одамлар уддабурон, сўзамол, басавлат кўринган Абдурауф Абдураҳмоновни раис қилиб сайлаб юборишди. Лекин кўп ўтмай Абдураҳмоновнинг юриш-туриши, қадам ташлаши бошқача бўлиб қолди. Колхозчилар энди иш юришиб кетса керак, деб умид қилган пайтда янги раиснинг, миси чиқиб қолди. Юзидаги ниқоби йиртилди. Абдурауф Абдураҳмонов батрак, камбағал деҳқон ниқоби остида юрган қулоқ, катта ер эгаси эканлиги, шахсий тегирмонида одамларни ёллаб ишлатиб келганлиги ошкор бўлиб қолди. Буни кўрган одамлар «воббо бўри-е, қўй терисини ёпиниб, одамизга кириб олганини қаранглар» дер эдилар. Шундай қилиб «Ленинобод» колхозига учинчи раис сайланадиган пайт келган эди.

Энди одамларнинг ҳийла кўзлари очилган, уларда: «колхозга халол, софдил, ишчан, кийинчиликдан қўрқмайдиган батраклардан раис сайлаш керак» деган фикр пайдо бўлганди. Бундай кишини қаердан топиш мумкин?

Кимдир кўчадаги суҳбат вақтида ҳазиллашиб гап бошлади.

— Яхшиси Мадраимни раис қиламиз, ўша дуруст, —деди.

— Қайси Мадраимни, —сўради бошқа бировв.

— Кайси бўларди, Оҳангарон дарёсининг нариёғидаги Ҳудойқулбойнинг молбақари, ўша раисликка жуда боп,— деди кесатиб кимдир.

Одамлар кулиб юборишди.

— Тўғри, ўша Мадраим колхоз раислигига жуда муносиб, қип-қизил батрак.

— Батракликка батраку-я, лекин колхоз раислигини эплай олармикан, —деди бошқа бировв жиддий оҳангда.

— Эплайди, одамларнинг ҳақига хиёнат қилмаса бўлди-да. У бойларнинг эшигида юриб кун кечирган, катта еб, катта ичишга ўрганмаган, — деди яна бир киши.

Хазил-хазил билан бошланган бу гаплар кейинчалик ростга айланиб кетди. Колхозчилар мажлисида Оҳангарон дарёсининг нариги бетидаги Ҳудойқул бойнинг молбақари бўлиб ишлаб келган, 1930 йилда шу колхозга аъзо бўлиб кирган, собиқ батрак, Мадраим Юнусов «Ленинобод» колхозига раис қилиб сайланди.

Лекин баъзи одамлар унинг юриш-туришига қараб «у раисликни эплай олмайди, унга раисликни ким қўйибди, номига раис-да», деб юришди. Лекин Мадраим одамларнинг ҳар хил гап-сўзларига эътибор бермади. 40 гектар пахта, 200 гектар ғалла, 50 гектар шоли экиладирган «Ленинобод» колхозига дадиллик билан раислик қила бошлади. Колхоз бисотида 20 та от, 10 та хўкиз, омоч бўйинтирикдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Мадраим ўзининг халқчиллиги, содда ва соф диллиги, ҳалоллиги билан аста-секин одамларнинг ишончига сазовор бўла бошлади. Чунки 1929 йилда пахтадан бор йўғи 5 центнердан ҳосил олинган колхозда икки йилдан кейин ҳосилдорлик 12 центнерга етди. МТСлар тузилди. 1931 йилда колхозга битта ҳайдов трактори келди. 33 йилда битта универсал трактор да сеялка билан чигит экилди. Шундай қилиб, астасекин иш юриша бошлади. Колхозда бир бош ҳам қўй-эчки йўқ эди. 33 йилда 20 бош қўй олинди. Шу қўйлар сони кейинчалик 4500 бошга етди.

Баъзи кишилар «омонат» раис деб гумон қилган Мадраим Юнусов раҳбарлик қилган колхозга қўшни колхозлар қўшилди. 1956 йилда қир ерларни ўзлаштириш ҳисобига колхознинг пахта майдони 1000 гектарга етди. Ҳар гектар ердан 32,8 центнердан ҳосил олинди. Мадраим Юнусов энг юксак ном —Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлди. Колхоз музейидан чиқиб келаётган нуроний чол қизил албонга ёзилган «Октябрь революциясининг 60 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олайлик» деган шиорга назар ташлаб ана шу ҳаёлларга берилганди.

Озод ҳур замонни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат! СССР Конституциясида қайд этилган ҳуқуқлардан фойдаланганлигимиз туфайли ҳар биримиз қобилиятимиз, меҳнатимизга яраша обрў-иззат, ҳурмат топмоқдамиз. Бахтиёрман, шодман, 13 та фарзандниг отасиман. Абдуллажон механик, Усганбой механизация бўйича бухгалтер, қизларим, келинларим ҳам далада ишлайди. Уларнинг меҳнатидан хурсанд ота мийиғида кулди-да, идора томонга отланди. Бугун кечқурун у ерда ветеранлар билан ёшларнинг учрашуви бўлади. Мадраим ота уларга колхоз босиб ўтган йўл, ўз ҳаёти — ибратли умр тўйи ҳақида сўзлаб беради.

Б. ХАЛИЛОВ.

МАШИНА — ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

МЕН пенсияга чиққан бўлсамда айни кунларда ҳозир «Озод» колхозида механик бўлиб ишлаяпман. Шу кичкина колхоздаги мавжуд техника воситаларининг кучи мен 1940 йилда директор бўлиб ишлаган «Октябрь» МТСидаги бор техникага тенг, десам муболаға бўлмайди. Уша кезларда бизнинг МТС райондаги 56 колхоздан 27 тасига хизмат қиларди. МТСда эса 32 ҳайдов, 34 та чопиқ трактори бор эди, холос.

Тракторлар кучсиз, буниинг устига плуглар етишмаганидан тракторга от сўқаси тиркалиб, ер 20—22 сантиметр чуқурликда шудгор қилинарди. Пахта ҳосилдорлиги 12—13 центнердан ошмас, йиғим-терим кеч кузгача чўзилиб кетар эди.

Йиллар ўтган сари колхоз ва совхозлар ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб боряпти. Замонавий-қудратли техника билан қуролланяпти. Илгарири «Октябрь» МТСи зонасида 27 колхознинг 280 гектар пахта майдони бўлса, ҳозир шу ерда 6 та колхоз бор, уларнинг пахта майдони 8 минг гектардан ошиқ. Ҳар бир колхозда илгариги МТСдагидан кўпроқ турли хил техника бор.

Эндиликда колхоз ва совхозлар қудратли техникага эга. Район хўжаликларидаги ҳархил тур-даги тракторлар 1300 тадан кўп. Пахта далаларида бултур 450 дан ортиқ терим агрегати ишлади. Районимиз пахтакорлари йилдан-йилга дадил қадам ташлаб, ҳосилдорликни йилдан йилга оширмоқдалар. Машина теримида кўпларга намуна бўлдилар, донг чиқардилар.

В. П. РОГАЧЕВ,
пенсионер, собиқ МТС ва «Узсельхозтехника» директори.



«Ленинобод» колхозининг механизатор-звено бошлиғи Фахриддин Эгамбердиев пахтачиликни механизациялаштириш соҳасидаги баракали хизматлари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлган эди. Бу йил ҳам бу бошлиқ звено механизаторлари терим агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб мавсумга шай қилиб қўйдилар.

БИРИ-БИРИГА УСТОЗ

БИЗНИНГ совхозимиз ерлари ҳам қадимда тўқайзорлардан иборат бўлган.

1930 йил 16 августда кичкина «Бессарабка» қишлоғида янги совхоз тузилди. Бу қишлоқ Хонариқ этагига жойлашганлиги туфайли совхозга «Куйи хон» деб ном қўйилди. Совхознинг экин майдони бор-йўғи 375 гектар бўлиб, гектаридан ўша кезларда 7—8 центнердан ҳосил олинарди. Ҳозир совхозимизнинг ер фонди 6208 гектарга етди. Шундан суғориладиган ерлар 4725 гектарни ташкил қиладди. Пахта майдонимизнинг ўзи 3340 гектар.

Ўзбек, рус, туркман, қозоқ, белорус, татар, украин, болгар, турк сингари 22 хил миллат вакилларидан иборат совхозимиз коллективи якдил бўлиб, астойдил меҳнат қилмоқда. Улар фақатгина ҳамкорлигина эмас, куда-анда, қариндош-уруғ бўлиб кетишган. Раҳбарлик ишларида ҳам турли миллат вакиллари бор. Совхозимиздаги олти бўлимнинг учтасига туркман, биттасига қозоқ, биттасига турк, биттасига ўзбек биродарларимиз етакчилик қилмоқдалар.

Хўжалигимиз қудратли техника воситаларига эга. 30 та ҳайдов, 180 та чопиқ трактори ва бошқа техника воситалари шулар жумласидан. Утган йили совхозимиз коллективи самарали меҳнат қилиб, яхши натижага эришди. 330 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,2 центнердан ҳосил олинди. 11754 тонналик хирмон кўтарилди. Шундан 10430 тоннаси машина билан терилди. 78 та пахта териш машинасининг ҳар бири билан ўртача 132 тоннадан пахта терилди.

Ҳозирги пайтда ердан унумли фойдаланиш, тежамкорлик билан иш юритиш муҳим вазифадир. Бу йил ҳосилдорликни 38 центнерга етказамиз. Аҳолининг турмуш даражаси юксалиб, кўплаб янги турар жой бинолари, маданий-маиший хизмат муассасалари бунёд этилмоқда. 4 та бўлимда клуб, совхоз марказида маданият саройи, кино-театр ишлаб турипти. 7 та болалар боғчаси, 2 та ўрта, 4 та етти йиллик мактабда болаларимиз таълим олишяпти. Халқимиз Октябрь революцияси туфайли эришилган бахтли ҳаётларидан чексиз мамнун яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини қизғин маъқуллар эканмиз, зиммага олган мажбуриятимиз сўзсиз бажарилади, деб дадил айтамиз.

Ж. ЭЛЧИБОЕВ,
«Оққўрғон» совхозининг директори.

С. ЧЕГАБОЕВ,
совхоз партия ташкилотининг секретари.

ЙИЛНОМА

● 1918 йилнинг бошларида район марказида, бир қатор қишлоқларда большевистик ячейкалар тузила бошлади.

● ПИСКЕНТ волостида совет давлатининг ашаддий душманлари Осиповчи хонлар ва босмачилар бош кўтардилар. Ленин ишига содиқ Султон Сегизбоев бошлиқ 100 кишилик отлиқ дружиначилар контрреволюцион кучларни тор-мор қилишда қаҳрамонларча курашдилар.

● 1925 йилда ер ислоҳоти ўтказилди.

● ОҚҚЎРҒОН Пискент волостидан ажралиб чиққан пайтда 69 та колхоз бор эди. Ҳозир шу майда хўжаликлар 12 колхозга бирлашган.

● 1935 йилда колхоз далаларида 96 та трактор ишлаган. Ҳосилдорлик 10,7 центнер бўлган. Ҳозир районда 12 колхоз, 2 совхоз, 1300 трактор, 450 пахта териш машинаси ва бошқа техника воситалари бор.

● РАЙОН колхоз, совхозларида, ишлаб чиқариш тармоқларида ва раҳбарлик постларида 14 миллат вакиллари ҳамкорликда меҳнат қилмоқдалар.

● ХАЛҚ маориф тармоғи йил сайин кенгайиб, таълим-тарбия ишлари такомиллашиб бораяпти. Мавжуд 43 мактабда 16193 ўқувчига 1143 малакали ўқитувчи таълим бермоқда.

● ЎТГАН тўққизинчи беш йилликда 4152 ўринли мактаб, 3640 ўринли қўшимча синф хоналари, 13 та ўқув устахонаси, 5 та спорт зали, 10 та мактаб ошхонаси фойдаланишга топширилди.

● КОЛХОЗ ва совхозларда деҳқончилик маданияти такомиллашиб бораётгани, хўжаликлар замонавий мукаммал техника воситалари, минерал ўғит ва ҳашаротга қарши заҳарли моддалар билан таъминланганлиги туфайли пахта ҳосилдорлиги ошиб бораяпти. 1935 йилда 6727 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 10,3 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1976 йилда 19000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,6 центнердан пахта ҳосили олинди.

● РАЙОН марказида Ленин ҳайкали, фронтда ҳалок бўлганларга хашаматли ёдгорлик, музей бинолари қад кўтарган. Стадион, пионерлар лагери, катта касалхона халқ учун хизмат қиляпти.

ФАРОВОН ОИЛА


Октябрь революцияси халқимизга нималар инон қилди деган саволга ҳар бир оилага кирган одам аниқ жавоб топа олади. Халқимиз ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб фаровон ҳаёт кечирмоқда. Биргина Оққўрғондаги Ҳамид Олимжон номли колхозда элликдан ортиқ колхозчи енгил машинага эга. Қишлоқ обод, кўркам.

Мана колхознинг машҳур механизатори 50 центнерчи бригада бошлиғи Жумақул Пиримқулов оиласи. Бу оила ҳалол меҳнат туфайли бахт топди. Жумақул аканинг умр йўлдоши Зеби машҳур пилакор, укаси Раҳимжон, ўғли Шодмон механизатор, қизи Робия уйли-жойли, ўғли Қодиржон халқ хўжалик институтининг студенти, қизи Ҳабиба ўнинчи синфни аъло баҳо билан битирган. Ўғилларидан Абдуманнон ва Абдулазиз мактабда таълим олишяпти. Улар замонавий 8 хонали уйда истиқомат қилишяпти.

Оилада енгил машина, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси ва бошқалар мужассам.

— Биз СССР Конституциясида ёзиб қўйилганидек, совет граждани деган номимиз билан фахрланамиз. Октябрь революцияси туфайли шундай бахтиёр кунларга эришдик. Шунинг учун улуғ байрамни меҳнатда янги зафарларга эришиш билан кутиб олиш, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашяпмиз,— деди Жумақул ака.

П. ЭРГАШЕВ.



«Оққўрғон» совхозида ишчиларнинг яхши дам олишлари учун қулай шароит яратилган. Намунали дала шийпонлари қад кўтармоқда. Суратда: 5-бўлимдаги дала шийпонларидан бирини кўриб турибсиз.

ОБОД КИШЛОҚ

СЕГИЗБОЕВ номли совхоз Оққўрғон районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан. Совхоз қишлоғи йилдан-йилга обод бўлиб бормоқда. Янги-янги дала шийпонлари, турар-жой бинолари, болалар боғчаси, мактаб бинолари қад кўтармоқда.

— Ҳозир боғчамизда 103 бола бор. — Ез даврида уларнинг сони 180 тага етади,— дейди 1-бўлимнинг боғча мудираси Мунаввар Оҳунжонова,— бирнечта машҳур бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Клуб, кутубхона, идора бинолари ва уч километрли водопровод шулар жумласидан.

Совхознинг 2-бўлимида 200 минг сўм сарфланиб, қўрик ерлар ўзлаштирила бошланди. Аҳолини тоза сув билан таъминлаш учун водопровод қувурлари ётқизилди.

3-бўлимда эса мактаб биноси кенгайтирилмоқда. 5-бўлимда янги идора биноси қурилиб бўлди. Далада ишлаб турган ишчиларга қулай машҳур шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ТИНЧЛИК ИШИГА САДОҚАТ

Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, «Совет халқи Ленин йўлидан босиб ўтган олтмиш йил якунлари СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида мужассамланган шаклда акс эттирилган. Янги Конституциянинг қабул қилиниши Ватанимиз ҳаётида шубҳасиз тарихий бир босқич, катта халқаро аҳамиятга молик воқеа бўлади».

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живков Олмаотадаги В. И. Ленин номли саройда Совет-Болгария дўстлиги шарафига ўтказилган митингда бу фикрни давом эттириб шундай деди:

«Совет жамиятининг ижодий моҳияти СССР янги Конституцияси лойиҳасида ўзининг яна бир ифодасини топди. Бу Конституция ўтган олтмиш йил мобайнида Советлар мамлакатининг ҳаётида ҳам, бутун планета ҳаётида ҳам эришилган муваффақиятларни ёритиб, тушунтириб беради ва тасдиқлайди. Янги Конституция КПСС Марказий Комитети ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг жаҳон социализм назарияси ва практикасига қўшган ажойиб ҳиссаси бўлади. Биз СССРнинг янги Конституцияси жаҳон социализмининг чинакам кодекси бўлиб қолади, деб ҳулоса чиқаришимиз учун ҳамма асослар бор».

Янги Конституция лойиҳасининг 4-бобида биринчи марта ташқи сиёсатга оид давлатимиз стратегияси қонун асосида мустаҳкамланган. 1917 йилдаги Тинчлик декретида баён этилиб, партиямиз съездларида ривожлантирилган асосий принциплар, XXIV съездда қабул қилинган ва XXV съездда янада такомиллаштирилган Тинчлик Программасининг қонуний ифодаси бу бобда ёрқин намойиш этилган.

«Совет давлати ленинча тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказади,— деб ёзилган 28-моддада,— **халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва кенг халқаро ҳамкорлик учун курашади. СССРнинг ташқи сиёсати СССРда коммунизм қуриш учун қулай халқаро шароитларни таъминлашга, жаҳон социализмининг позицияларини мустаҳкамлашга, халқларнинг миллий-озодлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга, агрессив урушларнинг олдини олишга ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган сиёсатдир».**

Ҳозирги вақтда АҚШ, ГФР ва бошқа НАТО блокига кирувчи давлатлардаги империалистик доиралар қуролланиш пойгасини кучайтириб, уруш васвасасини авж олдираётган бир пайтда Конституциямиз лойиҳаси яна шу 28-моддасида **«Урушни пропаганда қилиш СССРда қонун билан ман этилган»** деб таъкидланиши зўр халқаро аҳамият касб этади.

Ғоявий муҳолифларимизнинг гўё «совет хавфи», «СССРда инсон ҳуқуқлари поймол этилиши» борасидаги уйдирмаларига қарама-қарши ўлароқ 29-моддада СССРнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари куч ишлатишдан ёки кучни пеш қилиб, таҳдид этишдан ўзаро воз кечиш, суверен тенглик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг территориал бутунлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурматлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи, давлатлар ўртасида ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма тан олган принциплари ва нормаларига, СССР тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳалол бажариш принципларига риоя қилиш асосига қурилганлиги таъкидланади.

Октябрь Ватани бу билан тинч-тотув яшаш сиёсати социализмнинг тактикаси эмас, балки стратегияси эканлигини яна бир карра бутун дунё жамоатчилиги олдида яққол намойиш этди. Бутун Россия Советлари II съездида қабул қилинган Тинчлик ҳақидаги Декретнинг ҳаётбахш кучини кўрсатди. Владимир Ильич Ленин айтиб ўтганидек, социализм инсоният тарихида биринчи бўлиб меҳнаткашлар оммасининг халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатига фаол таъсир кўрсатишига шарт-шароит яратиб беради. Буни Совет давлатининг 60 йиллик тарихи ёрқин исботлаб турибди.

Империалистик реакция ва уларнинг маддоҳлари тинчлик ва қуролсизланиш учун курашдаги СССР ортгирган обрў-эътиборни камситишга интилишмоқда. Айни чоқда АҚШ ҳарбий саноат комплекси ва унинг манфаатларини ўзида ифода этган Пентагон кескинликни юмшатиш масалаларини ҳал этиш йўлига турли ғов-тўсиқлар қўймоқда, қуролланиш пойгасини тобора авж олдирмоқда.

Пентагон ягона ракета программасини ишлаб чиқаришга киришган. Шу молия йилида қанотли ракеталар ишлаб чиқариш учун 403 миллион доллар ажратилган. Пентагон 1980 йилга келиб стратегик авиация қўмондонлиги учун дастлабки 40—50 қанотли ракета етказиб беришни планлаштирган. АҚШ Мудофаа министрлиги 1980 йилга бориб ҳар бири 100 миллион доллар турувчи 500 га яқин «М—Х» ракеталарини қуролланишга қабул қилишни мўлжаллаган. Келгуси молия йилида улар учун 3,5 миллиард доллар ажратилади. Умуман олганда бу ракета комплексининг яратилиши 50 миллиард долларга тушади. Янги молия йилида янги турдаги стратегик қурол-яроғларни сотиб олиш учун 11 миллиард доллар ажратиш мўлжалланган. Матбуот хабарларига кўра, агар СССР ва АҚШ ўртасида стратегик қуролларни чеклаш ҳақида янги битим тузилмаса, Пентагон янги стратегик қурол-яроғлар учун ҳаражатларни йилига 2 миллиард доллардан кўпайтириш ниятидадир. Президент Картер «Минитмен-3» қитъалараро баллистик ракеталарига ўрнатиладиган «МК-12 А» снарядларини ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорга имзо чекди. Шунингдек нейтрон бомбаларга «яшил йўл» очиб берилди. Бу эса қуролланиш пойгасини янада авж олдиришда янги ёвуз қадам бўлади, стратегик қурол-яроғларни чеклаш ҳақидаги Совет-Америка музокаралари йўлига ғов ташлайди. Уруш вас-васасини авж олдиради.

Бахтимиз қомуси — Конституция лойиҳасида эса келажакка, тинчлик иши зафарига комил ишонч барқ уриб турибди. Шунинг учун ҳам ҳар сатрида бой мазмун акс этган Асосий қонунимиз лойиҳасини бутун прогрессив инсоният яқдиллик билан маъқуллаяпти.

Х. СОДИҚОВ.
Тарих фанлари кандидати.

МЕҲНАТ ВА ИНТИЗОМ—ЭГИЗ

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи совхозимиз ишчиларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Айниқса, бу улкан анжуманда СССР Конституциясининг янги лойиҳаси муҳокама этилганлиги биз учун қувончли воқеа бўлди. Совхозимиз коллективи барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар.

Бу йилги об-ҳавонинг деҳқончилик учун ноқулай келганлигига қарамай, ишчиларимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш ва КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига амалий жавоб бериш мақсадида барча ички резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш соҳасида биринчи бўлиб галлакорларимиз улкан зафар қучдилар. Суғориладиган майдонларга экилган донниг ҳар гектаридан 30 центнердан уруғлик ҳосил олинди. Ўрим-йиғим намунали уюштирилиб, ўн иш кунида тўла тугалланди. Бу ишда Олтинбек Аслбеков, Сандрасул Зайнулев каби илғор комбайнчиларимиз, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар. Уларнинг гайрат-шижоатлари билан бир грамм ҳам дон нобуд қилинмай давлатга 250 тонна сара уруғлик топширилди.

Маълумки, ҳозирги пайтда ҳар бир қарич ердан тўла унум билан фойдаланиш ҳаракати кенг авж олаётир. Совхозимиз ишчилари ҳам бунга эришиш учун тинимсиз ижодий изланмоқдалар. Бу йил галлакорларимиз бу йўлда ташаббускор бўлдилар. Улар галласи ўриб-йиғиб олинган майдонларни зудлик билан қайта шудгор қилиб, қатор оралиғи 90 сантиметрда силос учун маккажўхори экдилар.

Хўжалигимиз чорвадорлари ҳам юбилей шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддаламоқдалар. Мезигул Истаева бошлиқ бригадиқибокарлар давлатга гўшт сотиш йиллик планини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. Ҳозиргача пландаги 199 тонна ўрнига 234 тонна гўшт сотилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни ўртача 450 килограммга тўғри келди.

Сут соғувчиларимиз қўлга киритаётган кўрсаткичлар ҳам салмоқлидир. Бугунги кунгача 900 тоннадан зиёд сут соғиб олинди. Бу ярим йиллик планда белгиланганидан 200 тонна, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан эса 160 тонна кўпдир.


Ферма коллективи чорва қишловига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Асосий эътибор мўл озуқа базаси яратишга қаратилган. Ҳозиргача 3,5 минг тонна сенаж бостирилди, 900 тоннадан зиёд дағал хашак жамғариб қўйилди. Бу планда белгиланганидан анча кўпдир.

Барча совет кишилари қатори совхозимиз ишчилари ҳам СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишда актив қатнашар эканлар, бахтимиз қомусидаги ҳар бир сўз, ҳар бир модда совет кишиларига чексиз ғамхўрлик руҳи билан суғорилганлигини юрагидан ҳис қилмоқдалар. Шунинг учун улар янги лойиҳани зўр ифтихор билан маъқуллаяптилар, уни ўзларининг қимматли фикрлари, таклифлари билан тўлдирмоқдалар. Масалан, биз янги Конституция лойиҳасининг иккинчи бобидаги 12-моддасини **«шахсий парранда ва чорваси бўлган гражданларга уларни парвариш килишда, боқишда давлат хўжаликлари ҳамда колхозларининг ёрдам бериши шарт»**, деган сўзлар билан тўлдиришни истардик. Чунки, совхоз ишчисими, колхозчими, қишлоқ зиёлисими парранда ёки мол боқиб, чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳиссага қўшган бўладика

Совхозимиз ишчи яна бир таклифнинг деб ҳисоблайман. Янг титуция лойиҳасининг чи бобидаги «**Иж фойдали фаолнятнин танлаб олган соҳада меҳнат қилиш, меҳн ишлаб чиқариш интиз қаттиқ риоя қилиш, ме га лаёқатли ҳар бир С гражданининг бурчи ва рафли ишидир**», деб ган 60-моддаси «**Меҳнат ишлаб чиқариш интизоми бузган шахслар коллекти олдида жавоб берадила**» деган сўзлар билан туга лансa, мақсадга мувофи бўлур эди. Чунки меҳна ва ишлаб чиқариш интизоми ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, ҳар бир совет граждани учун қонундир.

Совхозимиз коллективи янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамасида актив қатнашар эканлар, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммага олган юксак социалистик мажбуриятларини таъминлаш учун янада уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда.

Зоир НАЗИРОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Волков номли совхоз директори.



Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам тўқувчиси Машкура Қодирова бир ярим йилда топшириқдаги 18 минг 199 килограмм ўрнига 37 минг килограмм маҳсулот тайёрлади. Суратда: Машкура Қодирова.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ —ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Областимиз меҳнаткашлари юбилей йилида эл дастурхонига камида 400 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга бел боғлаганлар. Соҳибкорлар шу юксак мажбуриятни бажара бориб, ўтган давр мобайнида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Етти ой давомида 151 минг тоннадан кўпроқ сабзавот, 34 минг тонна картошка, 40 минг тонна мева тайёрланди.

Эришилаётган ютуқларга Оққўрғон, Калинин, Қуйи Чирчиқ, Тошкент ва Янгийўл районлари меҳнаткашлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда, етилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб топширишда Калинин районлари соҳибкорлари кўп йиллардан бери мусобақага карвонбошилик қилиб келмоқдалар. Районда ой сайин мавжуд ресурслар олдингдан белгилаб олинаяпти, савдо тайёрлов ташкилотлари билан ҳамкорликда тузиб олинган график бўйича етилган маҳсулотларни ўз вақтида йиғиб-териб олиш устидан қатъий назорат ўрнатилаяпти.

Кўрилган тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Район соҳибкорлари давлатга картошка сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муддатидан олдин 1 августда муваффақиятли адо этдилар. Бошқа турдаги маҳсулотларни сотишда ҳам район олдинда келмоқда. Жумладан, мева харид қилиш йиллик планнинг 83 процент, сабзавот харид қилиш 58 процент адо этилди. Шу кунларда полиз экинлари ва узумни йиғиб-териб олиш оммавий тус олган.

Калинин район сабзавотқорлари юбилей йилида давлатга 100 минг тонна сабзавот ва бошқа турдаги маҳсулотлар сотиш юзасидан оширилган мажбурият олганлар. Улар ўз ваъдаларига содиқ қолиб, ҳосилни йиғиб олиш суръатларини кун сайин оширмоқдалар.

Лекин ҳамма районларда ҳам иш шундай намунали ташкил этилган деб бўлмайди. Кўпгина хўжаликлар етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга барча меҳнат, моддий-техника ресурсларини сафарбар этмаяпти. Бунинг оқибатида Пискент, Чиноз, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Бўка, Бекобод, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе районларида маҳсулот топшириш суръати пасаймоқда. Сабзавот тайёрлаш ҳажми бўйича белгиланган йиллик топшириқлар бу районларда эндигина 14—40 процент бажарилди холос.

Айниқса, эртаки-ўртаки картошка ҳосилини йиғиб олишдаги сусткашлик кишини ажаблантирмоқда. Областимиз бўйича 1400 гектардан кўпроқ майдондаги картошкаларни қазиб олиш шу кунгача поёнига етказилмаган, Оққўрғон, Бўка, Юқори Чирчиқ, Пискент, Чиноз районлари хўжаликларида картошка ҳосилининг ярми ҳали ерда ётипти. Йиғим-терим ишларининг кечикиши натижасида картошка сифати пасаймоқда.

ШУ КУННИНГ ТЕМАСИДА

Июль ойининг учинчи ўн кунлигида айрим хўжалик ва районларда мева тайёрлаш суръати пасайиб кетди. Вино заводлари ва уларнинг қабул пунктлари, совхоз-заводлар, хўжалик раҳбарлари аҳолидаги ортиқча меваларни тайёрлашга эътиборсизлик билан карамоқдалар. Ваҳоланки, бу тадбир мева тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқларнинг суръатини анча оширган бўлар эди.

Областимиздаги кўпгина хўжаликлар июль ойининг учинчи ўн кунлигида полиз маҳсулотлари ва узум ҳосилини йиғиб-териб олишга киришдилар. Лекин бу соҳадаги иш суръати ҳозирча талаблар даражасида эмас. Ҳар бир хўжалик мавжуд меҳнат, моддий-техника ресурсларини тўла ишга солиши, етилган ҳосилни несибуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиш, колхоз, совхоз ва савдо-тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган график бўйича давлатга кун сайин топширилиши лозим бўлган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан қўшимча тадбирларни кўриш лозим.

Коллективлараро ташкил қилинган мусобақани янада кенг қулоч ёйдириш эвазига кундалик нормаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб туриш керак. Йиғим-терим давомида қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларининг тўла қувват билан ишлашига эришиш лозим.

Савдо ташкилотларига етказиб берилаётган сабзавот ва мева сифати устида алоҳида қайғуриш керак. Йиғиб-териб олинган маҳсулотлар сараланиши, энг яхшилари меҳнаткашлар дастурхонига тақдим этилиши зарур. Шунда деҳқон саҳоватига истеъмолчилар тасанно айтади.

Бугунги кунда помидор ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини ҳам оммавий тус олдириш керак. Лекин бир қатор хўжаликларда етилган ҳосилни териб олишга, экинлар парваришини янада кучайтиришга эътиборсизлик қилинаяпти. Август ойида кун сайин камида 2 минг тоннадан помидор тайёрлашга эришиш, 1 сентябргача йиллик планнинг 80 процентини бажариб қўйиш керак.

Айни пайтда пиёз ҳосилини йиғиб олишда ҳам қизғин дамлар ўтиб бормоқда. Бу соҳада белгиланган топшириқни қисқа муддатларда бажариш имконияти бор. Область матлубот жамияти, «Ташшлодоовощ» бирлашмаси, «Ташсадвинсовхоз» трести жойлардаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиб, пиёз етказиб беришни тезлаштирши тадбирларини кўришлари керак.

Кечки экин ҳосиллари, мева ва узумнинг каттагина қисмини сифатли саралаб, кишга асраб кўйиш лозим. Бу вазифани бажаришга шу кунданоқ киришиш зарур. Бунинг учун маҳсулот сақланадиган омборларни ремонтдан чиқариб, янги ҳосилни кабул қилишга шай қилиб қўйиш керак.

Ғанимат кунлар ўтиб бормоқда. Ҳозир ҳар бир кун, ҳар бир соат ҳисобда. Соҳибкорлар экинларга ишлов беришни кучайтириш билан бирга етилган ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини ҳам ҳар дақиқа ошириб боришлари зарур. Эрта баҳордан қилган меҳнатимиз самараси эл дастурхонига уйилган ноз-неъматлар чўғи билан ўлчанади. Шундай экан, пешана тери билан етиштирилган ҳосилнинг бир грамми ҳам нобуд бўлмасин. Бутун куч сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум ҳосилини йиғиб-териб олишга сафарбар этилсин.

ИШЧИ ЁШЛАР КЛУБИ

Тошкент агрегат заводининг фрезерчиси Равшан Эшимбоев билан токарь Владимир Смовилкин «Юность» ишчи ёшлар клуби ташкил этган касбкор маҳорати конкурсининг голиби бўлдилар. Бу клуб корхона касаба союз ва комсомол активларининг ташаббуси билан барпо этилган. Клуб ўзининг мажлисларини завод маданият саройи залларида ва бевосита цехларда ўтказади. Клуб фаолияти программасига мувофиқ ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлари билан, меҳнат ветеранлари билан учрашув ва суҳбатлар, турли конкурслар, адабий ва музика кечалари ўтказиб турилади.

Клуб аъзолари ўз мажлисларига оталиқдаги мактаб ўқувчиларини таклиф этадилар, уларни завод билан таништирадилар, ишчилар синфи сафига қабул қилишга бағишланган кечаларни ўтказиб турадилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириқни нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бу ён.

Калинин	0,1	100,1
Пискент	2,6	92,1
Оржоникидзе	1,9	91,2
Оҳангарон	0,9	88,3
Бекобод	0,4	87,7
Қуйи Чирчиқ	—	84,8
Оққўрғон	0,2	84,7
Чиноз	0,2	84,2
Бўка	0,2	83,9
Юқори Чирчиқ	3,0	81,5
Тошкент	0,1	81,5
Ўрта Чирчиқ	0,1	81,2
Янгийўл	0,4	72,7
Бўстонлиқ	0,7	69,7
Область бўйича:	0,9	86,3

Дунё овози чет эл хабарлари

ҲИНД ЭНЕРГЕТИКАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ДЕҲЛИ, 3 август. (ТАСС). Ҳинд энергетикалари мамлакат мустақиллиги йилларида катта муваффақиятларга эришдилар. Барча электростанцияларнинг жами қуввати шу давр ичида 2 миллион киловаттдан 22 миллион киловаттга етди. Бхакра, Нейвели, Патрату, Обре ва Ҳиндистоннинг бошқа районларида катта электростанциялар қурилди. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг ўн бир штатида энергетика объектлари барпо этилмоқда. Уларни ишга тушириш мамлакатдаги умумий қўрсаткични 30 миллион киловаттга етказиш имконини беради. Ҳиндистонда ягона энергетика системасини барпо этиш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда.

Миллий энергетикани ривожлантиришда Совет Иттифоқи Ҳиндистонга салмоқли ёрдам берди. СССР кўмагида қурилган электростанциялар мамлакатда ҳосил қилинаётган жами электр энергиянинг йигирма процентини бермоқда.

ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитети бу ерда эълон қилган расмий баёнотда айтиладики, фаластинлик араб халқининг ўз қонуний ҳуқуқлари йўлидаги кураши Фаластин проблемаси Фаластин халқининг орзу-умидларига мувофиқ равишда бартараф этилмас экан, Яқин Шарқда тинчликка эришиб бўлмайди, деган фактга ҳамиша асосланиб келди. Фаластин проблемасини ҳар қандай йўсинда писанд қилмаслик Яқин Шарқни янги қуролли можарога дучор қилиши, бу эса бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка таҳлика солиши мумкин, деб таъкидлади Фаластин озодлик ташкилотининг ижроия комитети. Баёнотда Фаластин озодлик ташкилотининг Фаластин ва Яқин Шарқ проблемалари муҳокама қилинадиган ҳамма халқаро ва арабларо анжуманларда Фаластин халқининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи тасдиқланади.

Баёнотда дунёдаги барча эрксевар ва тараққийпарвар кучларга мурожаат қилиниб, фаластинлик араб халқининг империалистик ва сионистик фитнага қарши одилона курашини қўллаб-қувватлашга даъват этилган. Ижроия комитет региондаги ҳозирги аҳволни ва Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш масаласида арабларнинг ягона позициясини ишлаб чиқиш учун араб давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини чақиришни таклиф этди.

ПЕКИНЧА ТУРНИР

ПЕКИН, 2 август. (ТАСС). Пекиндаги «Гунжэнь» стадионида «футбол бўйича халқаро таклиф турнири» деб аталган матчлар бўлиб ўтди. Унда КХДР, Эрон, Марокаш командалари, Хитойнинг уч командаси қатнашди.

Хитой спортининг раҳбарлари, Осиё ва Африка мамлакатлари билан спорт алоқаларини устун даражада ривожлантириш йўлини эълон қилган бўлсалар ҳам аммо Хитой спортчиларининг муваффақиятини гарантиялай оладиган қатнашчилар составини танлаб олди. Турнирда асосан хитойлик судьялар судьялик қилишди.

Хитойларнинг судьялар «одилона ва аниқ ҳакамлик қиладилар» деб берган ваъдаларига қарамай, турнирга келган чет эллик командалар судьяларининг ҳаракатидан ошкора норози бўлдилар. Хитой командалари фойдасига гирром судьялик қилинганлигига қарши жуда кўп норозилик билдирилганлиги шундан далолат беради. Бу эса футбол майдонида можаролар чиқишига сабаб бўлди. Чунончи, Хитой ва Марокаш командалари ўртасидаги матч вақтида нотўғри қарор қабул қилган судьяга меҳмонлар қўл кўтаришди. Хитой командаси судьянинг ёнини олди, натижада ўйин муштлашувга айланиб кетди. Бошқа бир матч давомида Корея командаси судьянинг Хитой спортчилари ўйинидан ташқари ҳолатда киритган тўпини ҳисобга олганлигига қарши норозилик билдириб майдондан чиқиб кетди.

Турнир ташкилотчилари: «Дўстлик — биринчи ўринда, мусобақа эса иккинчи ўринда», деган шиорни ўртага ташлаган эдилар, бу шиор барбод бўлганлиги кўриниб турибди.

МУҲИМ ВОҚЕА

ВЬЕНТЬЯН, 2 август. (ТАСС). Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрамини ўтказувчи комитет тузилди. «Сиенг пасасон» газетасининг хабар беришича, бу комитет составига ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Бош министри Кейсон Фомвихан, ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, республика президенти Суфанувонг, мамлакатнинг бошқа таниқли давлат ва жамоат арбоблари кирдилар.

Комитетнинг тузилганлиги Лаоснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу эса Лаос Халқ—Революцион партияси ва ЛХДР ҳукумати инсоният тарихида ғоят муҳим воқеа бўлган Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб кутиб олишга нақадар катта аҳамият бераётганлигини таъкидлайди.

ЗИЁКОР ОНА

...она Нурматовани Мақбуланинг кекса педагог Бекобод шаҳрининг янги ҳаёт зиёкорларидан бири эканлигини ҳаётдаги тилга олишга ҳожати йўқ. Ҳақиқат, шундай. Ҳа, ҳақ она ҳузурида Бизнаҳон Ғайбуллаева билан суҳбатлашганимизда бу ҳақли равишда гувоҳи бўлдик. Зиёкор эканлиги учун,— дея ҳикоя қилди кекса педагог,— 1934 йилда ТошДУни тамомлаб ўқитувчилар тайёрлаш курсига юборилган. Ўша даврда бу ниҳоятда масъулиятли ва шарафли касб эди. Шундай бўлса-да, партия менга таълим беришни устозим Раҳматжон Ғозиев бир куни менга шундай деган эди: «Сен Соғлом замонасида яшаяпсан, ишда ва ишдан кўрсатган ғайратинг, жонкуярлигинг бахт келтириши шубҳасиз. Шунинг учун сенинг ўқитувчилар курсига кириб ўқишингни маслаҳат бераман. Янги ҳаёт кишиларини тарбиялашга ўз ҳиссангни қўшишинг керак».

Шундай қилиб, бир йарим йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаган Мақсад она Бекобод кишлоқ Советига қарашли 27-мактабда саводсизликни тугатиш борасида меҳнат қила бошлади. 1935 йилдан анчагина тажриба ва билимини оширган ёш педагог бошланғич синфларга дарс бера бошлайди. Сўнгра уни Охунбобоев номли 22-мактабга таклиф қилишади.

— Мактабимизда ўша йили 120 ўқувчи таълим олар эди. Дарс ўтиш шароити оғир бўлишига қарамай ҳамкасбларим қатори мен ҳам бор куч ва ғайратимни ёш авлодни тарбиялашга сафарбар этар эдим. Ўқувчиларимиз, айниқса, маҳаллий қизлар асосан паранжи —чимматларда дарсга келишар, дарс тамом бўлгач, яна чимматларини юзларига тортиб уйларига қайтишар эди. Биз, ўқитувчи аёллар ҳам давр тақозаси билан худди шундай юришга мажбур эдик.

— Бир куни содир бўлган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди,— деб ўтмишни эслайди Мақсад она,— бир гуруҳ паранжи ёпинган қиз-жувонлар район марказига келдик. Чунки, 1935 йилнинг 23 сентябрида район хотин-қизларининг биринчи қурултойи очилган эди. Йиғилишда сўзга чиққан район партия комитетининг секретари Эргашев, район комсомол комитетининг секретари Саъдуллаев ўртоқлар хотин-қизларга қарата маъруза қилдилар. Нотиқлар советлар ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш учун, колхоз тузумини ҳимоя қилиш учун маҳаллий хотин-қизлар ҳам эркаклар билан бир сафда туриб меҳнат қилиши, хўжаликни, давлатни бошқариши лозимлигини сўзлашди. Паранжи-чимматларни ташлаш фурсати етганини айтишди. Ўртада гулхан ёқилди. Районимизнинг дастлабки зиёлилари қатори мен ҳам паранжини алангага улоқтирдим. Тенгдошларим менга эргашдилар.

Мақсад она ўз билимини ошириш мақсадида 1939 йили Тошкентдаги республика хотин-қизлар педагогика билим юртига ўқишга киради. Лекин мудҳиш урушнинг бошланиши сабабли ўқишни вақтинча ташлашга мажбур бўлади. Шундай бўлса-да, севимли касби — ўқитувчиликни давом эттиради. Уруш тамом бўлгач Ленинобод педагогика билим юртида сиртдан таълим ола бошлайди ва 1954 йили муваффақиятли тугатиб, яна ўқитувчилик қилади.

Онахоннинг халқ маорифини ривожлантиришдаги хизматлари партия-ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган: «Меҳнат аълочиси» значоги ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Унинг собиқ ўқувчиларини республикамизнинг ҳамма бурчакларида учратишингиз мумкин.

1968 йилдан қарилик ғаштини сураётган кекса педагог мактабдан бутунлай алоқани узгани йўқ. У тез-тез ўқувчилар ҳузурида бўлиб, уларга ўз хотираларини сўзлаб, ёш ўқитувчиларга маслаҳат ва кўрсатмалар бериб боради.

Ҳа, меҳри дарё онахон ҳозирги кунда ҳам ёшларнинг энг яқин маслаҳатчиси ва мураббийсидир.


К. МАВЛОНОВ.



Тошкентдаги Ўрта Осиё медицина педнатрия институтида кириш имтиҳонлари давом этмоқда. Бу йил олий ўқув юртига 800 киши қабул қилинади. Суратларда: Шариф Солиҳов мактабни медал билан тугатиб, биринчи имтиҳондан «аъло» баҳо олган ўғли Донёрни студентлар сафига қўшилганлиги билан қизғин табриклямоқда. Пастда физикадан имтиҳон пайти.

И. Чернов ва Г. Пун фото лари.

(ЎзТАГ).



ҚАЛЪА КУРАШАДИ

Г. МАКСИМОВ.

СОВЕТ ҳокимиятининг дастлабки йиллари Тошкентда бўлган воқеалар ёзувчи Георгий Максимовнинг «Саркарда» романида ҳаққоний тасвирланган. «Советская Россия» нашриётида босмадан чиққан ушбу роман доҳий Ленин кўрсатмаси билан Туркистонга юборилган М. В. Фрунзенинг фаолиятини мукаммал ёритади. Газетхонларга ҳавола қилинаётган қуйидаги парчада ёш совет республикаси душманларининг 1919 йил Тошкентда уюштирган исёни ва унга қарши кураш тарихи билан таништирасиз.

ТОШКЕНТ қалъасининг коменданти Иван Панфилович Белов уйига кечқурун кеч қайтди. Унинг кўнгли ғаш эди. Ўзининг қилган ишидан норози эди: Халқ Комиссарлари Советида Туркистон Ҳарбий комиссари Осиповнинг антисовет подпольени қурол билан таъминлаб турган киши Беловнинг айни ўзи деб ишончлик билан айтган гапларига ўзини тутиб туролмай тўппончани олиб Осиповга ўқталди. Хайриятки, Халқ Комиссарлар Советининг ишлар бошқарувчиси унинг қўлидан ушлаб қолди. Йўқ, яхши бўлмади. Жуда ҳам хунук бўлди. Осипов шубҳасиз аблаҳ одам. Белов буни Фарғонадаёқ сезган. Уерда Осипов анчайин иккиюзламалик қилар, ошкора оқ гвардиячилар билан доим шивирлашган-шивирлашган, шубҳали шахслар билан ичишиб юрар эди. Бу ерда ҳам ўзини яхши тутмаяпти. Қизил гвардияни тарқатиб юбориш тўғрисидаги таклифини ўтказолмаяпти. Бутун можаро шундан чиқди-да. Наҳотки буни коммунист — раҳбарлар кўрмаётган бўлса? Қизил гвардияни тарқатиб юборишга йўл қўйишмади, у ерда подпольячи — большевик Шумилов ранс-да. Уни алдаб бўлмайди. Лекин машқ командаси билан билганини қилди-ку. Одатда Беловни қувватлаб келадиган Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси Войтинцев ҳам, Халқ Комиссарлари Советининг раиси Фигельский ҳам Осиповнинг айтганига рози бўлишди. Нима, улар кўр бўлиб қолишдими? Осипов қаёққа бошлаётганини наҳотки кўришмаётган бўлса... Ана шунинг учун ҳам улар жанжаллашиб қолишди, бу сафар ошкора урушишди. Тўғри, бир соат ўтар-ўтмас Осипов Белов билан анча дўстона гаплашди, олдига — 2-полк штабига келиб чой ичишга таклиф қилди, бирйўла Беловнинг Фарғона водийсига қилган экспедицияси юзасидан молиявий ҳисоботларини расмийлаштириб кўймоқчи бўлди. «Молия бўлимининг жуда эпчил бошлиғи бор. Сенинг ҳамма ҳисоб-китобларингни ярим соатда тўғрилаб беради»,— деди Осипов ҳайрлаша туриб. «Йўқ, сен мени авраб олдинга чақиролмайсан»,— деб ўйлаб Белов индамаганди. 2-полк штабига аввал борганида уни оз бўлмаса отиб қўйишай деганини унутгани йўқ.

Этни жунжитувчи совуқ шамол келмоқда. Кўчаларда ер ялаб шамол бўрони ўйнайди.

Иван Панфилович бир дам тўхтаб, қулоқ солди. Ўнг томондан аллақаерда ўқ отилди, кейин яна отилди... Сўнг бараварига отиш бошланди. «Бу нима бўлдийкин?»— ўйлаб қолди Иван Панфилович ва қалъага шошилди.

У ерда тинчлик эди. Машқ командаси биноси ичида — одам одатдагидан кам, бор йўғи ўттиз-қирқ нафар одам қолганди. Машқ командасининг бошлиғи Шишарин қаёқдандир пайдо бўлиб қолди.

— Бошқалар қани?— сўради Белов.

— Уй-уйларига тарқалиб кетишди.

Иван Панфилович Шишаринга тикилиб қаради.

Унинг кўриниши ғайритабиий, ҳовлиқар, кўзлари бежо эди.

— Ким рухсат берди?

— Ахир эртага якшанба, байрам деса ҳам бўлади, шунинг учун...

— Ҳа-а, чўқинадиган сув керак бўлиб қолипти-да. Тушунарли...

Шишарин комендантнинг истеҳзоли қарашидан жунжикиб кетди ва унинг кетидан зўрга юра бошлади.

Инструкторлар мактаби тўлалигича ўз жойида эди, 1-артиллерия ротаси ҳам. Белов қалъадаги ротага шошилди. Кираверишда одатдаги команда эшитилди:

— Туринг, смирно!

Ешроқ, озода кийинган рота командири унга қараб кела бошлади.

— Ўртоқ комендант, қалъа ротаси...

— Вольно, ўтиринг, ўтиринг, ўртоқ командир. Ҳаммаларингиз ҳам ўтиринглар.

Белов ўтирди. Ротага муваффақ бўлган. Уларнинг орқасидан отишган.

— Хўш, сизларни ким қуролсизлантирди ўзи? Кимнинг буйруғи билан?

— Билмаймиз. Ҳарбий комиссарнинг буйруғига кўра деб айтишди...

— Осиповнингми?

— Ҳа-да!

— Ўшанинг буйруғи билан,— тасдиқлади иккинчи жангчи ҳам.

«Тушунарли,— ўйлади Белов,— Осипов барибир ўз билганини қилиб, машқ командасини қуролсизлантиришга қарор қилипти-да. 2-полк штабига чой ичиб кетишга таклиф қилган гапи лоп этиб эсига тушди.—Демак, мен у билан чой ичишиб ўтирганимда, у машқ командасини, балким яна бошқаларни ҳам қуролсизлантирган бўларкан».

Қизил аскарлар қалъа коменданти нима деркин, деб кутиб туришарди.

— Тревога эълон қилинг,— буйруқ берди Белов рота командирига.— Барбетларни эгалланг.

У тез қалъа штабига жўнади ва йўлдагидаёқ «Қуролларни олинг!» командасини, горнчининг қалъа узра тарқатаётган тревога сигналини эшитди.

— Телефон қилдингизми?— сўради Белов.

Навбатчи йўқ деб жавоб берди. Белов телефон олдига ўтирволиб Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси Войтинцевнинг квартирасига, Халқ Комиссарлар Советининг раиси Фигельскийга, Тошкент депутатлар Советининг раиси Шумиловга қўнғироқ қилди. Уларнинг ҳеч бири уйида йўқ эди.

«Улар қаерда бўлиши мумкин?»— қайта-қайта ўзига савол берарди. Иван Панфилович. Ниҳоят Озодлик уйига қўнғироқ қилиш унинг эсига келиб қолди. Телефонни Войтинцев олди.

— Шаҳар жуда бетинч,— деди Белов.— Қандайдир отишма бўляпти.

— Ҳа, отишмани биз ҳам эшитдик, лекин Иван Панфилович, сен ҳаяжонланма. Тезда ҳаммаси ойдинлашади.

(Давоми бор)

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Спорт

СССР КУБОГИ — «ИЗВЕСТИЯ» КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ

Тошкентлик енгил атлетика мухлислари шанба ва якшанба куни мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарлари каби Тошкентда СССР Кубоги — «Известия» Кубоги учун бошланадиган ярим финал мусобақаларини сабрсизлик билан кутишмоқда.

Фрунзе, Олмаота, Хабаровск, Душанба, Қарағанда, Львов, Иркутск ва бошқа шаҳарларнинг командалари Тошкентда «Пахтакор» стадионида беллашадилар. Республикамизнинг энг йирик спорт комплекси енгил атлетикачиларни кутиб олишга шай. Бу ерда Бутуниттифоқ мусобақасига катта тараддуд кўрилди.

Ҳар қайси группада биринчи ўринни эгаллаган командалар Кишиневда бўладиган финал ўйинларда қатнашиш ҳуқукини қўлга киритади. СССР Кубоги мусобақалари ярим финалида республикамиз спорт шарафини Тошкент шаҳар терма командаси ҳимоя қилади.

АРМИЯЧИ МЕРГАНЛАР УСТУНЛИГИДА

Мерганлик спорти бўйича Ўзбекистон шахсий чемпионати Армия спорт клуби вакилларининг тўла устунлигида ўтди. Кеча программанинг айрим турлари бўйича ўтказилган бахсларда ҳам бу клуб спортчилари кучли эканликларини намойиш қилдилар.

Халқаро классдаги спорт мастери Сергей Колосов яқинда Польшада ўтказилган халқаро турнирда совет спорти шарафини ҳимоя қилган эди. Бу сафар республика биринчилигида яна кучли мерганлардан эканлигини исботлади. У МВ—11 машқида 386 очко билан биринчи бўлди. МВ—12 машқида эса 582 очко тўплади. Бу халқаро классдаги спорт мастери нормативидан 3 очко ортиқдир. Программанинг бошқа турларида армиячи мерганлар Станислав Муравьев, Владимир Зимин ва Антонина Жукова, динамочи Анатолий Воличенко ва спартакчи Анатолий Икромовлар республика чемпиони бўлишди.

ТЕРМА КОМАНДА САФИДА

Франциянинг Тукэ шаҳрида ўсмирлар ўртасида баскетбол бўйича Европа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. СССР терма командаси 3—4 ўрин учун Италия баскетболчилари билан учрашиб 95:70 ҳисобида ғолиб келди ва бронза совриндори бўлди. Мамлакат терма командамиз сафида Тошкентдаги 80-мактаб битирувчиси Николай Бузляков ҳам иштирок этди.

ИККИНЧИ ЭШЕЛОНДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лигаси вакиллари иккинчи даврa ўйинларини бошлаб юборишди. Фрунзенинг «Олға» командаси ўз майдонида Чимкентнинг «Металлург» футболчиларини қабул қилиб, ўйинни натижасиз дуранг қилди ва бир очко йўқотди. Лекин кейинги ўринларда бораётган республикамизнинг икки командаси ҳам бу турда мағлубиятга учрашди. «Автомобилист» «Янгиер»дан, Хоразм футболчилари эса Магнитогорскнинг «Металлург» коллективидан бир хил — 0:2 ҳисобида енгилишди.

Чемпионатда ҳамон «Олға» пешқадамлик қилмоқда. Фрунзе футболчилари 21 ўйиндан кейин 29 очко тўплашди.



Пойтахтдаги Собир Раҳимов район Охунбобоев номли маданият уйида ташкил этилган дуторчи қизлар ансамбли қатнашчилари уларининг жозибали куйлари ўнлан томошабинлар қалбини ром этиб келмоқда. Янги-янги куйлар билан репертуарларини бойитмоқда. Суратда: шу ансамбль иштирокчиларидан (чапдан ўнгга) Г. Мирзаева, З. Мирзатиллаева, Д. Раҳмонова ва Д. Мирзаевалар янги куй машқ этмоқда.

А. Тўраев фотоси.

КИНО ВА ШАХМАТ

Машҳур совет кинематографисти Всеволод Пудовкинни томошабинлар яхши билишади. Аммо унинг фаолияти шахматдан бошланганини кўпларингиз балки билмасангиз керак. Сира ажабланманг...

Аввало бир воқеани эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Ёши улуғроқ шахмат ишқибозларининг эсларида бор: 1925 йили Москванинг «Метрополь» меҳмонхонасида улкан халқаро шахмат турнири бўлган эди. Бу «жанг» суворийларидан бири кубалик жаҳон чемпиони, «шахмат автомати» деб ном чиқарган Хосе Рауль Капабланка, иккинчиси собиқ жаҳон чемпиони, фалсафа ва математика доктори германиялик Эммануль Ласкер бўлганликлари ҳам уларнинг ёдида, албатта!

Мусобақанинг ҳар бир куни шахмат шайдолари учун байрам эди гўё: «Метрополь» олдида одам тиқин бўлади. Капабланка филини бир пиёдага қурбон қилгани дейсизми ёки Ласкернинг оти «шоҳрух» қилиб турганими, ҳуллас барча икир-чикирларни билгиси келарди уларнинг. Лекин минг-минглаб томошабинлар меҳмонхона залига сиғмас, зеро, ортиғи киритилмас эди, чунки мулоҳазакор «жанг»чиларга ҳалақит бериб қўйишлари мумкин-ку!

Аммо, барибир мухлислар бу ўйинларни кўриши керак. Бунинг иложини ўша пайтда эндигина кино оламига кириб келаётган Всеволод Пудовкин топди. У. И. Шпиковский билан ҳамкорликда ўша кунлар ҳароратини акс эттирувчи «Шахмат ҳалжони» деб номланган юмористик кинокартина яратди.

Пудовкин ўзининг бу дебютига эътиборсизлик қараган эди. Лекин бу картина экранларга чиққач, унинг ижобий йўли ва йўналишини шу қисқа метражли кинокомедия белгилаганлигини ўзи ҳам тан олди. Ўшанда жаҳон чемпиони Капабланканинг ўзи ҳам чинакам артист бўлиб ўйнаган, бу — фильм муваффақиятига замин бўлган эди.

Швед кинорежиссёри И. Бергманни ҳам таништиришга керак. Бу режиссёр ҳам ўзининг «Еттинчи муҳр» деб номланган фалсафий фильмида ғайри-табиий шахмат партиясининг мотивларидан фойдаланган экан.

Фильмдаги воқеа бундоқ: Швед валоматларидан бири Антониус салб юришидан қайтиб келади. Лекин, бутун Европадагидек, унинг мамлакатида ҳам вабо авж олган эди. Ҳаммада қўрқув, тушкунлик ҳукмрон. Антониус бу фалокатни, нарасида болаларнинг, бокира оналарнинг бекордан-бекорга ўлимга юз тутаётганини кўриб, ўз ҳаётини хавф остига қўйган ҳолда ажални шахмат ўйинига таклиф қилади. Шарт битта: агар у ажални шахматда ютса ҳалок бўлади! Ажал розилик билдиради. Шахмат жанги бошланади. Антониус шундай усталик билан ўйнайдики, натижада ажал шахматга берилиб кетиб одамларнинг жонини олишни эсдан чиқаради. Кўп одамларнинг ҳаёти асраб қолинади, аммо Антониус шахматда ғолиб чиқиб, ҳалок бўлади.

БИЛАСИЗМИ?

«Еттинчи муҳр» фильми 1957 йили Канндаги кинофестивалда «Кумуш ҳурмо новдаси» билан мукофотланади.

«Шоҳнинг кичкина фожиаси» деган фильмни кўрганмисиз? 1936 йилда яратилган бу ажойиб фильмнинг муаллифи кимлигини ҳам биласизми? У немис кино ҳаваскори Рихард Гроропдир. Бу фильмнинг ажойиблиги шундаки, унда одамлар эмас, шахмат доналарининг ўзи қатнашади, катакларидан-катакларга ўзи ўрмалайди. Экранда бўм-бўш шахмат тахтаси. Шу он гойибдан оқ валломат — фил пайдо бўлади. Унинг олдида пиёда аскарлар саф тортишган: команда кутишяпти шекилли. Қўққисдан оқ подшонинг боши кўнқайиб кўриниб қолади. Қора валломат — фил ҳам у ёқ бу ёққа кўз ташлаб турибди. Қора подшо ҳам бўй кўрсатиб қолди. Уруш эълон қилинади. Тахтанинг икки четида байроқлар хилпирайди. Жанг бошланади. Сипоҳлар қирғинбарот олишувга ўтишади. Ўлганлар бир четга итқитилаяпти. Жанг қизиғандан қизияпти. Мана қора от Малика — фарзинни тирқиратиб қолди. Нариёқдан қора валломат шоҳга дўлайиб келяпти. Малика ношуд ҳокими мутлоқни ҳимоя қиламан деб ўзи ўққа учди. Маликанинг ҳажрида куйган оқ подшо енгила бошлайди, куч-мадордан кетаётган шоҳ байроғи билан қўшилиб йиқилади. Қора подшо ғолибона юриш қилиб жанг майдонидан чиқиб кетади. Шу билан фильм ҳам тугайди. Бу фильм кўпгина халқаро киноконкурсларда мукофот олган, жумладан 1958 йили Львовда бўлган кўрикда тақдирланган эди.

«Этик кийган мушукнинг янги саргузаштлари» фильмини кўрганингиз бор. Бу фильмни кинорежиссер А. Фау 1958 йили яратган. Люда деган қиз мактабда қўйиладиган «Этик кийган мушук» спектаклида Малика ролини ўйнаши керак эди. Аммо унинг бирдан иситмаси кўтарилиб ётиб қолади. Дори ичгач уйқуга кетади. Саргузашт бошланади. Кровать ёнида чанг босиб ётган шахмат доналари одам қиёфасига киради. Люба фарзин бўлиб қолади, унинг тоғаси шоҳга айланади. Фильмнинг кўп қисми шахмат тахтасида ўтади; шу ерда спектакль ҳам, турнир ҳам ўйналади. Германия Федератив Республикаси кино усталари 1960 йилда таниқли адиб Стефан Цвейгнинг «Шахмат новелласи»ни экранга кўчиришди. Мураккаб психологик мазмунга эга бу фильм республикамизда биринчи марта ўзининг ҳақиқий ифодасини шу фильмда топди, дейилмоқда. «Мингдан бир илож» фильмида ҳам шахмат мотивидан моҳирона фойдаланилган... Биз кино ва шахмат ҳақида икки шингилгина ҳикоя қилдик, ҳолос. Ҳа, қадимий шахмат ҳар турда ижод қилувчининг ҳам чин ҳамроҳидир.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение ва кино

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Петя ва бўри» (симфоник эртак). 11.00 «Ҳовлидаги одам» (бадиий фильм, 2-серия). 12.05 — Бизнинг биография — 1959 йил. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 19.05 — Биз табиат билан таништамиз. 16.30 — А. Барто ижоди. 17.15 — «Ихтирочи». 17.45 — Шахмат мактаби. 18.15 «Ҳам дўст, ҳам сеҳргар—кино». Халқаро кинофестивалнинг болалар фильмлари конкурси якунларига доир. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Мультфильм. 19.35 —Концерт. 19.50 — СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақида суҳбатлар (2-кўрсатув). 20.20 — «Шопениана» (спектакль). 20.55 — «Ҳовлидаги одам» (бадиий фильм, 3-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30— Е. Мирошниченко куйлайди. 23.40—Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Светофор». 12.30 «Уруш ва тинчлик» (бадиий фильм, 3-серия). 18.30 — Болалар учун кўғирчоқ фильм. 18.45 — Спорт кўрсатуви. 19.15 — «Зангори экран» почтаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ижод гулшани. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Концерт. 22.00— «Вақт». 22.30 — Ноз-неъмат бунёдкори 22.45 — «Ёмғир ёғиб, шамол эшик қоққанда» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.25 — «Орадан қанча йиллар ўтиб кетди» (бадиий фильм, 1-серия). 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Ҳужжатли фильм. 21.20 — Реклама. 21.35 —Ҳужжатли фильм.

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безгак** (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (куфт соатларда), **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС», «МОСКВА»** (кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринҳўр одам — «ЧАЙКА» (18, 20, 21,45).

Куёв ва келин — «ВОСТОК» (11, 13, 15,00), **«ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН»** (тоқ соатларда), **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

Квартал ҳисоботи — «ВОСТОК» (17, 18.30, 20, 21.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Куёв ва келин — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ХИВА» (21.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 5 АВГУСТДАН БОШЛАБ МАВСУМ ОЧИЛАДИ.

МОСКВА «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ МУШАКБОЗЛИК ТОМОШАЛАРИ.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 13348 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1676.